

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2021 йил ноябрь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Улуғнор туман суди, Улуғнор туман ҳокимлиги биносиди, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси Ш.Э.Назировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Иминовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Улуғнор туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Комилов, судланувчи А.Умаров ва унинг ҳимоячилари Д.Рахмонова ҳамда Н.Зокировлар, фуқаровий даъвогар С.Хусановларнинг иштирокида, Умаров Абдуфатто Тожимаматовичга оид 1-1713-2101/82-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Умаров Абдуфатто Тожимаматович (Umarov Abdufatto Tojimatovich), 1969 йил 4 апрелда Қўрғонтепа туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 6 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Избоскан туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаган, Қўрғонтепа тумани, Нодира МФЙ, Дардоқ кўчаси, 114-уйда яшайди, 2021 йил 18 августда муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 25 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 229⁴-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Умаров ўзининг юқоридаги ҳаракатлари, яъни ҳокимият мансабдор шахси бўлгани ҳолда, мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш, шунингдек, ер бериш тартибини такроран бузиб, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлган.

Жумладан, судланувчи А.Умаров 2018 йил 26 декабрдан Избоскан туман ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб, туман ҳокимининг



2019 йил 6 мартдаги 27-Ф-сонли Фармойиши билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси раиси ўринбосари лавозимига тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида»ги Низом талаби асосида комиссияни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятини амалга оширишини таъминламасдан, бу борада туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари, комиссия раиси И.Солиев, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, туман ҳокимининг ўринбосари сифатида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддасида кўрсатилган, яъни қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш, фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъий назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш, ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича берилган ваколатларини амалга оширишда, ушбу вазифаларига зид келувчи ҳаракатларни амалга ошириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, тумандаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларини ноқонуний тарзда захирага олиш, ер турларини ўзгартириб, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси далолатномаларида акс эттирилиб тасдиқланишига эришиб, туман ҳокимининг қарор лойиҳаларини



тайёрлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига чеварчилик ва миллий хунармандчилик устахона, тегирмон ва обжувоз, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа объектларини қуриш каби турли соҳаларда ноқонуний ер ажратиш, ўлчаб бериш ҳамда бошқа ҳаракатларни амалга оширган.

Жумладан, А.Умаров туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони 5-бандида “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан ажратиладиган ерлар бундан мустасно; қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйилаётган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффицентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдориди ҳисобланади”-деб кўрсатилган ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-бандида “енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектига ажратилган ерлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан берилади” деб белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-қисми а-бандида “янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади” деб ўрнатилган талабларини била туриб, ушбу талабларга зид равишда, туманнинг “дала шийпони ва иссиқхона” қуриш учун 2019 йил 17 октябрдаги 2894-қ; “тегирмон ва обжувоз” қуриш учун 2020 йил 16 июндаги 267-қ, “маҳалла комплекси ва нон ишлаб чиқариш цехи” қуриш учун 2021 йил 16 январдаги 12-қ, “Шоличилик класстерига шоли маҳсулотларини сақлаш, қуритиш, қайта ишлаб чиқариш, қадоқлаш учун бинолар” қуриш учун 2021 йил 8 апрелдаги 180-қ сонли қарорларни қабул қилишда комиссия таркибида ўрганиб чиқиб, ноқонуний қарорлар чиқарилишига эришиб,



мазкур қарорлар билан такроран ер бериш тартибини бузиб, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлиб, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 1.102.671.958 сўм жуда кўп миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан ва ундирилишини таъминламасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Бундан ташқари, А.Умаров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-бандида “енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектига ажратилган ерлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан берилади” деб кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-қисми а-бандида “янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади” деб ўрнатилган тартиб ва Ер кодексининг 44-моддасида белгиланган талабларини била туриб, ушбу талабларга зид равишда, туманнинг “иссиқхона ташкил этиш” учун 2019 йил 30 апрелдаги 1183-қ сонли қарорни қабул қилишда комиссия таркибида ўрганиб чиқиб, ноқонуний қарорлар чиқарилишига эришиб, мазкур қарор билан такроран ер бериш тартибини бузиб, жами 0,80 га суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлиб, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 60.800.000 сўм миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан ва ундирилишини таъминламасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Бундан ташқари, А.Умаров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида “Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотига эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш” деб белгиланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги



146-сонли қарори 37-бандида “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг хулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади” деб кўрсатиб ўтилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-банди а-кичик бандида “янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади” деб ўрнатилган ва Ер кодексининг 44-моддасидаги талабларни била туриб, унга зид равишда, туманнинг суғориладиган ер майдонидан “балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига ташкил этиш” учун ер ажратиш бўйича 2020 йил 9 июлдаги 305-306-қ сонли, 2020 йил 16 мартдаги 143-144-қ сонли қарорларни қабул қилишда ҳолатни ўрганиб чиқиб, ноқонуний қарор лойиҳаларини тайёрлаб, уларни чиқарилишига эришиб, мазкур қарорлар билан такроран ер бериш тартибини бузиб, жами 25,7 га суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлиб, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 6.428.500.000 сўм миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан ва ундирилишини таъминламасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Судланувчи А.Умаров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2018 йил 26 декабрь кунидан Избоскан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлагани, унинг ўринбосар сифатида лавозим вазифаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Республика Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари, вилоят ҳокимининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва



ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланадиган экин ер майдонларининг мақсадли фойдаланишини назорат қилиш, мазкур ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишини олдини олиш, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ер майдонларининг бошқа мақсадларга ўтказилишига йўл қўймаслик, уларни олдини олиш ва бошқалар киргани, Избоскан туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган И.Солиев Избоскан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия раиси вазифасини бажарганини, Избоскан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга қишлоқ хўжаликлари мақсадлари учун мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушса, яъни балиқчилик, чорвачилик, қуёнчилик, деҳқончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, асаричилик учун ер ажратиш тўғрисида мурожаатларни унга туман хокими томонидан мазмунан кўриб чиқиш ҳақида топшириғини берганини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини бошқа мақсадлар учун ажратиш билан боғлиқ масалаларни ҳам у комиссия раиси ўринбосари сифатида ўргангани ва комиссия раиси И.Солиев, кадастр бўлими бошлиғи Х.Маматов билан бирга кўриб чиқишганини, қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассис ходимлари томонидан 2021 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва Республика Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, шунингдек, вилоят прокуратурасининг 2021 йил 5 июлдаги хатига асосан Избоскан туманида хизмат сафарида бўлган Кадастр агентлиги ходимлари томонидан ўтказилган текширишда:

- туман ҳокимининг 2019 йил 7 октябрдаги “А.Тиллабоев” массиви ўраמידан “Универсал нок боғи” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига дала шийпони ҳамда иссиқхона бинолари қурилиши учун” доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 0,55 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 2894-қ сонли қарори бўйича, суғориладиган ер майдонларини Республика Президентининг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, яъни ўзи,



комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 5 ноябрдаги 75-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, 0,05 га дала шийпони, 0,50 га ер майдони иссиқхона учун жами 0,55 га суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдонлари ажратилгани аниқлангани, шунингдек, мазкур қарорнинг 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда фермер хўжалиги томонидан дала шийпон биноси ҳамда иссиқхона ташкил этиб фойдаланиб келгани аниқлангани, ушбу 623 к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлгани, 2019 йил қурилиш ишлари бошланиб 2021 йил дала шийпони ҳамда иссиқхона қурилгани маълум бўлгани, туман ҳокими қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан 4.368.015 сўм миқдоридан нобудгарчилик ҳисобланган бўлса-да, фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ тўланмаганлиги аниқлангани, туман ҳокимининг 2019 йил 7 октябрдаги 2894-қ-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандига кўра 586.011.471 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

2) туман ҳокимининг 2021 йил 8 апрелдаги “А.Тиллабоев” массиви ўрамидан “ZAYHURAMAX” МЧЖ шолчилик класстерига шоли маҳсулотларини сақлаш қуритиш, қайта ишлаб чиқариш, қадоқлаш учун бинолар қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 0,70 гектар 47 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 180-қ сонли қарори ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддаларига зид равишда қабул қилинган аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, яъни ўзи, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2021 йил 13 мартдаги 29-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 7-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдони бўлгани, ер майдони қурилиш учун ажратилмагани, ушбу 255к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб,



2019-2020 йиллар ва ҳозирги кунда ҳам экин ери эканлиги маълум бўлгани, ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 17 июндаги 5742-сонли қарорига асосан 516.660.487 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

3) туман ҳокимининг 2019 йил 30 апрелдаги “Ш.Юлдузи массиви ўрамида” Бобур XXI аср” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига “Иссиқхона” (лимонария) ташкил этиш учун ижарада фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,80 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 1183-қ сонли қарори ПҚ-4246-сонли Қарорнинг 7-банди а-кичик банди ва Ер кодексининг 44-моддаси талабларига зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев, ўзи, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2021 йил 19 апрелдаги 99-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 8-бандида туман ҳокими қарорининг тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан, фермер хўжалиги томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилгани аниқлангани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганида ер майдони фермер хўжалиги томонидан иссиқхона ташкил этиш учун қурилиш ишлари олиб борилгани, ушбу 173 к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2020 йиллари қурилиш ишлари олиб борилгани ва ҳозирги кунда ҳам қурилиш ишлари тугатилмагани маълум бўлгани, туман ҳокимининг 2019 йил 30 апрелдаги 1183-қ-сонли қарори Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандига асосан 60.779.335 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

4) туман ҳокимининг 2020 йил 9 июлдаги “Улуғнор массиви ўрамидан” фуқаро Якуббоев Ахмаджон Рахмонович”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи билан жами 7,80 гектар шунда экин ери 6,20 гектар, 42 балл бонитетли ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 306-қ сонли қарори Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-банди, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди, Ер кодексининг 44-моддаси талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши ўзи томонидан ўрганилиб, туман халқ



депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 6 июлдаги 26/10-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокимининг қарорини 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан, нобудгарчилик ҳисобланмасдан, фермер хўжалиги томонидан балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, ушбу 1-2-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилиб ҳозирги вақтда балиқ боқиб фойдаланиб келингани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 1.357.744.141 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

5) туман ҳокимининг 2020 йил 9 июлдаги “Улуғнор массиви ўрамидан “фуқаро Худойбердиев Алижон Рахмонбердиевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 3,0 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ижара ҳуқуқи билан ажратиб бериш тўғрисида”ги 305-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-банди, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди, Ер кодексининг 44-моддаси талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарор лойиҳаси тайёрланиши ўзи томонидан ўрганилиб, туман Халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 6 июлдаги 26/10-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралиши белгилангани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан фермер хўжалиги томонидан балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, ушбу 1 к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда сунъий балиқ ҳовуз ташкил этилгани ҳамда балиқ боқиб келингани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 656.648.778 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

6) туман ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги “Улуғнор массиви ўрамидан “фуқаро Бозоров Алишер Мирабдуллаевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 11,24 га, шундан 8,20 гектар 40 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 143-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди, Ер кодексининг 44-моддаси талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши ўзи томонидан ўрганилиб, туман халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 15/04-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралиши белгилангани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ҳулосаси олинмасдан фермер хўжалиги томонидан сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, ушбу 34-35-39-40-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда балиқ ҳовузи ташкил этилиб балиқ боқиб келингани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 2.193.693.325 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани;

7) туман ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги “Улуғнор массиви ўрамидан “фуқаро Абдураимов Исроилжон Юлдашбоевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 11,25 га, шундан 8,30 гектар 40 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 144-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди, Ер кодексининг 44-моддаси талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани,



хусусан, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши ўзи томонидан ўрганилиб, туман Халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 15/04-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокимининг қарорини 6-бандида туман ҳокими қарорининг тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралиши белгилангани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан фермер хўжалиги томонидан сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, ушбу 34-39-40-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда балиқ ҳовуз ташкил этилгани ва балиқ боқиб келингани маълум бўлганлиги, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 2.220.445.683 сўм нобудгарчилик ҳисоблангани, барча қарорларда қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ва суғориладиган ерларни бошқа мақсадларга ўтказиш бўйича қарор лойиҳаларини шахсан ўзи ўрганиб чиққани, сабаби қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўймаслик унинг тўғридан-тўғри лавозим вазибаларига киргани, ўзи шуғуллангани ва комиссия далолатномаларига шахсан ўзи раисдан кейинги ўринда имзо қўйганини, келгусида фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларга йўл қўймаслигини, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берган.

Шунингдек, судланувчи А.Умаров қуйидаги қарорлар, яъни:

-туман ҳокимининг 2020 йил 14 июндаги “А.Тиллабоев массиви ўрамидан” фуқаро Адашалиев Нурилло Хусанбоевич”га тегирмон ва обжувоз қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,04 гектар 76 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 267-қ сонли қарори ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилгани, ушбу қарорда комиссия аъзоси сифатида қатнашмагани, қарордан хабардор бўлмагани;

-туман ҳокимининг 2021 йил 16 январдаги “Ш.Юлдузи массиви ўрамидан “тадбиркор Исмоилов Эргашбой”га маҳалла комплекси биноси ҳамда нон ишлаб чиқариш цехи биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,20 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 12-қ сонли қарори ПФ-5742-сонли Фармонига зид қабул қилингани



аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари И.Солиев, туман хокимлиги канцелярия мудирини А.Мамажонов, туман қурилиш бўлими ходими И.Якубжонов, туман “Ер ресурслари ва давлат кадастр” бўлими ходими Қ.Аматохуновлар томонидан ўрганилгани, ушбу қарордан хабардор бўлмагани;

- туман ҳокимининг 2019 йил 26 декабрдаги 3178-к-сонли қарори билан фуқаро А.Ботировга чеварлик фаолияти ва миллий хунармандчилик устахонасини қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги қарори ПФ-5742-сонли Фармонида зид қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари Э.Каримов, туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев ва бошқалар томонидан ўрганилгани, ушбу қарордан хабардор бўлмагани ҳақида кўрсатув берган.

Фуқаровий даъвогар С.Хусанов суд мажлисида дастлабки терговдаги кўрсатувларни тасдиқлаб, Кадастр агентлиги Андижон вилоят бошқармаси юрист консулти вазифасида ишлаб келишини, Избоскан туман ҳокимлигида ердан фойдаланиш ва ажратишда қонун талабларига риоя қилиниши ўрганилганида бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқлангани, жумладан, Избоскан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилгани, ўтказилган текшириш ва дастлабки тергов ҳужжатларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони 5-банди, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-банди а-кичик бандига зид равишда қарорлар қабул қилингани аниқлангани, жумладан туманнинг “дала шийпони ва иссиқхона” қуриш учун 2019 йил 7 октябрдаги 2894-қ, “чеварлик фаолияти ва миллий хунармандчилик устахона” қуриш учун 2019 йил 26 декабрдаги 3178-қ, “тегирмон ва обжувоз” қуриш учун 2020 йил 14 июндаги 267-қ, “маҳалла комплекси ва нон ишлаб чиқариш цехи” қуриш учун 2021 йил 16 январдаги 12-қ, “Шоличилик класстерига шоли маҳсулотларини сақлаш, қуритиш, қайта ишлаб чиқариш, қадоқлаш учун бинолар” қуриш учун 2021 йил 8 апрелдаги 180-қ сонли қарорларни қабул қилишда комиссия ўрганиб чиқиб, ноқонуний қарорлар чиқарилишига йўл қўйилиши натижасида мазкур 5 та



қарорлар билан ер бериш тартиби бузилгани, жами 1,56 га суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлгани, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 1.437.900.000 сўм жуда кўп миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказгани, бундан ташқари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-банди а-кичик банди, Ер кодексининг 44-моддасига зид равишда, туманнинг “иссиқхона ташкил этиш” учун 2019 йил 30 апрелдаги 1183-қ сонли қарорни қабул қилишда комиссия таркиби аъзолари ноқонуний қарорлар чиқарилишига эришиб, мазкур қарор билан ер бериш тартибини бузиб, жами 0,80 га суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлиб, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 60.800.000 сўм миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-банди, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-банди а-кичик бандига зид равишда, туманнинг суғориладиган ер майдонидан “балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш” учун ер ажратиш бўйича 2020 йил 9 июлдаги 305-306-қ сонли, 2020 йил 16 мартдаги 143-144-қ сонли қарорларни қабул қилишда ноқонуний қарор лойиҳалари тайёрланиб, уларни қабул қилингани оқибатида ер бериш тартиби бузилиб, жами 25,7 га суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлгани, ер учун қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун давлат фойдасига 6.428.500.000 сўм миқдорда пул маблағлари ҳисобланмасдан давлат манфаатларига жиддий зиён етказилгани аниқлангани, мазкур жиноят иши бўйича Избоскан туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев ва бошқаларга оид қисми алоҳида ажратиб олингани ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани, юқоридагилардан келиб чиқиб, юқоридаги ҳолатлар бўйича ноқонуний қарорлар чиқишига сабабчи бўлган А.Умаровга қонуний чора кўрилишини сўраб кўрсатув берган.

Гувоҳ С.Комилов дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2021 йил март ойидан ҳозирга қадар Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси “1-бўлим” бош мутахассиси вазифасида ишлаб келишини, 2021 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ



хўжалиги вазирлиги мутахассиси Ж.Эгамбердиев, Ш.Мамиров, Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастр агентлиги мутахассислари Р.Мелибоев, О.Жураев, Ш.Тоштемиров "Ўздаверлойиха" давлат илмий лойиҳалаш институти мутахассислари О.Эшмуродов, Ж.Бердиев, мутахассис Ш.Холдоровлар билан бирга Избоскан туманида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармони ижроси ўрганилгани, асосий эътибор экин ерларини бошқа мақсадларга ажратилиши ва фойдаланилиши, янги ерларни ўзлаштириш ҳолатларига қаратилгани, текшириш натижаси бўйича маълумотнома тузилгани, ўтказилган текширишда, қарорларда аниқланган ер майдонларининг контур рақамлари ҳамда балл бонитетларини кўриб, уларнинг балл бонитетларини айтиб бергани, Избоскан туманида 526 та фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари мавжуд бўлиб, уларга 16.703 гектар сувли экин ерлари бириктирилгани, ўрганишда 45 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ўзбошимчалик билан эгалланиб, қонунсиз қурилишлар қилингани, 2.293 гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ажратишда қонун талаби бузилгани аниқланганлиги, ўрганиш давомида туман ҳокимининг қарорларидан 2020 йилда 17 та қарори, 2021 йилда 1 қарори қонун талабига зид равишда қабул қилингани, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини доплат тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 18-банди 1-хатбошида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари, шу жумладан, деҳқон ва хўжалигини юритиш учун жисмоний шахсларга берилган ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиш ҳақ тўлаб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш ҳамда уларни қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ, бўлмаган ёки қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлган, лекин суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларининг оборотдан чиқариб юборилишига олиб келадиган мақсадлар учун берилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ҳисобланиши белгиланган бўлса-да, бироқ туман ҳокимининг 2020 йил 9 июндаги 305-сон қарори билан А.Якуббаевга, А.Худойбердиевга, Н.Абдуллаевга, 2020 йил 16 мартдаги 144-сон қарор билан И.Абдураимовга, 2020 йил 16 мартдаги 143-сон қарор билан А.Бозоровга балиқчилик йўналишида фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларига нобудгарчилик ҳисобланмагани аниқлангани, бундан ташқари, ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг



2019 йил 20 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-бандида янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокимининг 2021 йил 19 мартдаги 111-сонли қарори билан 29 нафар фуқароларга бонитетдан юқори сувли ерлар боғ-узум йўналишида ажратиб берилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли қарори 7-банди талаби бузилиб ажратилгани маълум бўлгани, Ер кодексининг 44-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли қарори 7-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3, 21-бандлари талаблари бузилган ҳолда, "Бобур XXI аср" чорвачилик фермер хўжалигига иссиқхона қуриш учун, чорва биноси ва қоровулхона қуриш учун, чеварлик фаолияти ва миллий хунармандчилик устахонаси қуриш учун, сақлаш омборхонаси ҳамда замонавий типда музлаткич бинолари қуриш учун, автомобилларга сиқилган газ куйиш компрессор шохобчаси қурилиши учун, "Избоскан истиқбол чорваси" фермер хўжалиги бинолари қурилиши учун Ер кодекси 44,45-моддалари талаблари бузилиб, ажратиб берилгани аниқлангани, бундан ташқари, шу каби "ZAYNURAMAX" МЧЖга шоли маҳсулотларини сақлаш, қуритиш, қайта ишлаб чиқариш ва қадоқлаш учун бино қурилишига, Тўрткўл МФЙ ҳудудидан нон ишлаб чиқариш цехи қуришга, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуришга, тегирмон ва обжувоз қурилиши учун, сув қудуғи қурилиши учун, турар жой биноси қурилиши учун, автомобилларга кўп тармоқли ёқилғи қуйиш ҳамда автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор шохобчалари қурилиши учун Ер кодекси 44-моддаси талаблари бузилиб ерлар ажратиб бергани аниқлангани, бундан ташқари, бир қатор фуқароларга ерга эгаликни белгилаш ҳақидаги сохта қарор лойиҳалари тайёрланиб, девонхона рўйхатидан ўтказилгани маълум бўлгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармони талабларига зид равишда қабул қилингани сабабли бекор қилиниши тавсия этилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Зарипов суд мажлисида, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси Избоскан туман бўлими етакчи инспектори вазифасида ишлаб келишини, Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармасининг буйруғига асосан Балиқчи туман бўлими бош



инспектори Ф.Патидинов билан бирга Избоскан туман ҳоқимлиги томонидан ерга оид қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони талаблари ўрганилгани:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони талаблари бўйича ўрганилганда; 1. Избоскан туман ҳоқимининг 2019 йил 14 августдаги “Ўзбекистон массиви ўрамидан “Қора тупроқ”номли сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига маҳсулотларини сақлаш омборхонаси ҳамда замонавий усулда музлаткич” бинолари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,10 гектар 47 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 2492-қ сонли қарори ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президентининг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳоқимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳоқими ўринбосари И.Солиев, туман ҳоқимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 12 августдаги 31-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳоқимининг 2492-қ сонли қарорининг 6-бандига кўра, “туман ҳоқимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳоқимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳоқимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, туман ҳоқимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони қурилиш учун ажратилмагани, фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдалангани, ер майдони бўш ҳолатда бўлгани, мазкур майдоннинг ҳолати интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилгани, ушбу 255к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2020 йил ва ҳозирги кунда ҳам экин ери экани маълум бўлгани, туман ҳоқимининг қарорини 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан мазкур ер майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер турига кирганлиги боис, 5.613.475



сўм миқдорида нобудгарчилик ҳисобланган бўлса-да фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ тўланмагани аниқлангани, туман ҳокимининг 2019 йил 14 августдаги 2492-қ-сонли қарори таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармойишининг 5-бандини, яъни “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди деб белгиланган бўлса-да мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилингани, 0.10 гектар ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 73.272.774 сўмни ташкил этгани, ҳозирги кунга қадар қурилиш ишлари олиб борилмагани аниқлангани; 2. туман ҳокимининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Ш.Юлдузи” массиви ўрамидан “Шарқ Юлдузи насли чорваси” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига чорва биноси ва қоровулхона” бинолари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,30 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 2837-қ сонли қарори қарори ўрганилганида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президентининг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 25 сентябрда 59-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокимининг қарорини 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони қурилиш учун ажратилмагани, фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланаётгани, ер майдони бўш ҳолатда экани аниқлангани, майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 318к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2020 йил ва ҳозирги кунда ҳам экин ери эканлиги маълум бўлгани, туман ҳокими қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан 17.030.280 сўм миқдорида нобудгарчилик ҳисобланган бўлса-да, фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ тўланмагани аниқлангани, аммо, туман ҳокимининг 2837-қ-сонли қарори таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандини, яъни “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди деб белгиланган бўлса-да мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилинган, 0.30 гектар ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 318.035.020 сўмни ташкил этгани, ҳозирги кунга қадар қурилиш ишлари олиб борилмагани; 3. туман ҳокимининг 2019 йил 7 октябрдаги “А.Тиллабоев” массиви ўрамидан “Универсал нок боғи” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига Дала шийпони ҳамда иссиқхона” бинолари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,55 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 2894-қ сонли қарори Республика Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президентининг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилинган аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 5 ноябрда 75-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ иссиқхона, шу жумладан гидропоника ва аэропоника усулида ҳосил етиштириш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ёки яйлов ва лалми ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан ёхуд сув таъминоти оғир ерлардан ажратишга эътибор қаратиш белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 167-сонли



қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-бандида “енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектига ажратилган ерлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан берилади” деган талабига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-қисми а-бандида “янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади” деб белгиланган тартибга амал қилмасдан, 0,05 га дала шийпони, 0,50 га ер майдони иссиқхона учун жами 0,55 га суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдонлари ажратилгани аниқлангани, шунингдек, мазкур қарорнинг 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда фермер хўжалиги томонидан дала шийпон биноси ҳамда иссиқхона ташкил этиб фойдаланиб келгани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида, ушбу 623к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019 йил қурилиш ишлари бошлангани, 2021 йил дала шийпони ҳамда иссиқхона ташкил этилгани маълум бўлгани, туман ҳокими қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан 4.368.015 сўм миқдоридан нобудгарчилик ҳисобланган бўлса-да, фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ тўланмагани аниқлангани, шунингдек туман ҳокимининг 2894-қ-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандини, яъни “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди” деб белгиланган бўлса-да мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилингани, фермер хўжалиги томонидан дала шийпони биноси ҳамда иссиқхона иншооти қуриб битказилгани, натижасида 0.55 гектар ер майдонига келтирилган зиённи қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 586.011.471 сўмни ташкил этгани; 4. туман ҳокимининг 2020 йил 14 июндаги “А.Тиллабоев” массиви ўрамидан “фуқаро Адашалиев Нурилло



Хусанбоевич”га Тегирмон ва обжувоз қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,04 гектар 76 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 267-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президенти қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 9 августда 26-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмаганлиги маълум бўлгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдони бўлгани, ер майдони қурилиш учун ажратиб берилгани, фуқаро томонидан тегирмон ва обжувоз бино ва иншоотлари қурилиб фойдаланиб келингани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида, ушбу 318к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йил қурилиш ишлари бошлангани, 2021 йилда тегирмон ва обжувоз бинолари ташкил этилгани маълум бўлгани, шунингдек туман ҳокимининг 267-қ-сонли қарори таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, яъни “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди” деб белгиланган бўлса-да мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилингани, фуқаро Н.Адашалиев томонидан тегирмон ва обжувоз бино ва иншоотлари қуриб фойдаланиб келингани, натижада 0.04 гектар ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 47.607.800 сўмни ташкил этгани; 5. туман ҳокимининг 2021 йил 16 сентябрдаги “Ш.Юлдузи” массиви ўрамадан “тадбиркор Исмоилов Эргашбой”га маҳалла комплекси биноси ҳамда нон ишлаб чиқариш цехи биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,20 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 12-қ сонли қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президентнинг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман архитектура бўлими бошлиғи М.Бакиров бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2020 йил 7 январда 8-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, ҳоким қарорининг ижроси туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматовга юклатилгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдони бўлгани, ер майдони қурилиш учун ажратиб берилгани, тадбиркор томонидан маҳалла комплекси ҳамда нон ишлаб чиқариш цехи бинолари қурилиш ишлари олиб борилаётгани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 169к-контурдаги ер майдони 2017-2020 йилда тутзор бўлиб, 2021 йил қурилиш ишлари бошлангани маълум бўлгани, шунингдек туман ҳокимининг 12-қ-сонли қарори таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандини, яъни “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди” деб белгиланган бўлса-да мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилингани, тадбиркор Э.Исмоилов томонидан маҳалла комплекси биноси ҳамда нон ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотларини қурилиши олиб борилгани, натижада 0.20 гектар ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 213.095.080 сўмни ташкил этгани; 6. туман ҳокимининг 2021 йил 8 апрелдаги “А.Тиллабоев” массиви ўрамидан “ZAYHURAMAX” МЧЖ шоличилик кластерига шоли маҳсулотларини сақлаш қуритиш, қайта ишлаб чиқариш, қадоқлаш учун бинолар қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,70 гектар 47 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 180-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер кодексининг 44, 45-моддалари билан суғориладиган ер майдонларини Республика Президентининг қарорисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиш тақиқланган



бўлса-да, ушбу тақиққа амал қилинмасдан қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2021 йил 13 мартда 29-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 7-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланмагани маълум бўлгани, ушбу туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони суғориладиган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер майдони бўлгани, ер майдони қурилиш учун ажратилмагани, фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланаётгани, ер майдони бўш ҳолатда эканлиги аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 255к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2020 йил ва ҳозирги кунда ҳам экин ери эканлиги маълум бўлгани, туман ҳокими қарорининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан 506.535.907 сўм миқдорида нобудгарчилик ҳисобланган бўлса-да фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ тўланмагани аниқлангани, ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 17 июндаги 5742-сонли қарорига зид равишда қабул қилингани натижасида “ZAYHURAMAX”МЧЖ томонидан бино ва иншоотлар қурилмагани, қуриб олинган тақдирда келтирилган зиён ўрнини қоплаш мақсадида 0.70 гектар ер майдонига нобудгарчилик ҳисобланганда 516.660.487 сўмни ташкил этган бўлиши, юқоридаги ҳолатлар юзасидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров иштирок этган туман ҳокимининг қарор лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 17 июндаги 5742-сонли қарор талабларига зид равишда қабул қилинганлиги натижасида жами 4 та ҳолатда 1.49 гектар ер майдонига нобудгарчилик ҳисобланганда 1.363.347.838 сўмни ташкил этгани; туман ҳокимининг 2019 йил 26 декабрдаги “Ш.Юлдузи” массиви ўрамидан фуқаро А.Ботировга чеварлик фаолияти ва миллий ҳунармандчилик устахонаси қуриш учун ер майдони танлаб ажратиб бериш тўғрисидаги 3178-қ сонли қарорида туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров иштирок этмагани;

Ер кодексининг 44-моддасига зид равишда, суғориладиган ер майдонларини бошқа мақсадларда ажратиш Ўзбекистон Республикаси



Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони қабул қилингунига қадар ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилиши ҳолати ўрганилганда: 1. туман ҳокимининг 30.04.2019 йилдаги “Ш.Юлдузи” массиви ўрамида “Бобур XXI аср” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига “Иссиқхона” (лимонария) ташкил этиш учун ижарада фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,80 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 1183-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-бандида “енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектига ажратилган ерлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан берилади” деган талабига амал қилмасдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли Қарорининг 7-қисми а-бандида “янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликлари учун 50 ва ундан юқори балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ер майдонларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади” деб белгиланган тартиби ва Ер кодексининг 44-моддаси талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқлангани, қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2021 йил 19 апрелда 99-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан, фермер хўжалиги томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилгани аниқлангани, туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони фермер хўжалиги томонидан иссиқхона ташкил этилгани, қурилиш ишлари



давом этаётгани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида, ушбу 173к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2020 йиллари қурилиш ишлари олиб борилгани ва қурилиш ишлари тугатилмаганлиги маълум бўлгани, шунингдек туман ҳокимининг 1183-қ-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандида “”Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, шунингдек, ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган) ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига ёхуд ўзбошимчалик билан ернинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади” деб кўрсатилган бўлса-да, мазкур талабларга зид равишда қарор қабул қилингани, “Бобур XXI аср” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги томонидан Иссиқхона” (лимонария) ташкил этиш қурилиш ишлари олиб борилгани, натижасида 0.80 гектар ер майдонига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 60.779.335 сўмни ташкил этгани; 2. туман ҳокимининг 2019 йил 20 майдаги “Қўғай массиви ўрамида “Избоскан истиқбол чорваси” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига чорва бинолари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 1,0 гектар 52 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 1323-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандида “Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, шунингдек, ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган) ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига ёхуд ўзбошимчалик билан ернинг



қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади” деб кўрсатилган бўлса-да, мазкур талаблари ҳамда Ер кодексининг 44-моддаси талабларига зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилиб, 2019 йил 7 майда рақамсиз далолатнома расмийлаштирилгани, туман ҳокими қарорининг 7-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмаган бўлса-да, қурилиш ишларини амалга оширмасдан, экин майдони сифатида фойдаланиб келгани аниқлангани, туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилиши белгиланган ер майдони жойида ўрганилганда ер майдони қурилиш учун ажратилмагани, фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланиб келингани, ер майдони бўш ҳолатда эканлиги, қурилиш ишлари олиб борилмагани, тупроқнинг унумдор қатламига зарар етказилмагани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида, ушбу 95к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2019-2021 йилларда ҳам экин ери сифатида фойдаланиб келингани, туман ҳокимининг 1323-қ-сонли қарори таҳлил этилганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларга зид равишда қабул қилингани, “Избоскан истиқбол чорваси” номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига чорва бинолари қурилиши учун ажратилган 1.0 гектар ер майдонига келтирилган зиённи қоплаш мақсадида нобудгарчилик ҳисобланганда 58.097.894 сўмни ташкил этиш тавсиф қилингани, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров иштирок этган туман ҳокимининг қарорларида, Ер кодексининг 44-моддасига зид равишда, суғориладиган ер майдонларини бошқа мақсадларда ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони қабул қилинишига қадар ҳам Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилиши ҳолати ўрганилганда



жами 2 та ҳолатда 1.80 гектар ер майдонига нобудгарчилик ҳисоблангани, бунга кўра нобудгарчилик 118.877.229 сўмни ташкил этгани;

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган "Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига риоя этилиши ўрганилганда: 1. туман ҳокимининг 2020 йил 9 июндаги "Улуғнор" массиви ўрамидан фуқаро Якуббоев Ахмаджон Рахмоновичга балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи билан жами 7,80 гектар шунда экин ери 6,20 гектар, 42 балл бонитетли ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида"ги 306-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида "Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотига эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш" деб белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, суғориладиган ер майдонидан ер ажратиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди "Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг ҳулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади" деб белгиланган тартиб ҳамда Ер кодексининг 44-моддасида "Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади" деб белгиланган



талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров томонидан ўрганилиб, туман халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 6 июлдаги 26/10-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 8-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан, нобудгарчилик ҳисобланмасдан, фермер хўжалиги томонидан балиқ ҳовузи ташкил этилганлиги аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 1-2-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилиб текшириш кунига қадар фойдаланиб келингани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 6,20 гектар ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги 1.357.744.141 сўмни ташкил этгани; 2. туман ҳокимининг 2020 йил 9 июлдаги “Улуғнор” массиви ўрамидан “фуқаро Худойбердиев Алижон Раҳмонбердиевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 3,0 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ижара ҳуқуқи билан ажратиб бериш тўғрисида”ги 305-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида “Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотиغا эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш” деб белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, суғориладиган ер майдонидан ер ажратиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг хулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга



келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади” деб белгиланган тартиб ҳамда Ер кодексининг 44-моддасида “Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади” деб белгиланган талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров томонидан ўрганилиб, туман халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 6 июлдаги 26/10-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасдан фермер хўжалиги томонидан балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, ер майдонининг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 1к-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда сунъий балиқ ҳовуз ташкил этилгани ҳамда балиқ боқиб келингани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 3,0 гектар ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги 656.648.778 сўмни ташкил этиши; 3. туман ҳокимининг 2020 йил 9 июлдаги “Улуғнор” массиви ўраидан “фуқаро Абдуллаев Нодирбек Нўмонжонович”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 4,46 га шундан 4,20 гектар 40 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 303-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув



ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида “Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотиغا эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш” деб белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, суғориладиган ер майдонидан ер ажратиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг хулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади” деб белгиланган тартиб ҳамда Ер кодексининг 44-моддасида “Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади” деб белгиланган талабларга зид равишда қабул қилингани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров томонидан ўрганилиб, туман халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 6 июлдаги 26/10-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмаганлиги ҳамда фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланиб келингани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида, ушбу 23-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери



бўлиб, 2020 йилда ҳамда текшириш кунда ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланиб келингани маълум бўлгани, ер майдони бўш ҳолатда эканлиги сабабли, нобудгарчилик ҳисобланмагани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 4,2 гектар ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги 1.072.526.337 сўми ташкил этиб, балиқ ҳовуз сифатида фойдаланилганда, ундириш тавсия этилгани; 4. туман ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги “Улуғнор” массиви ўраמידан “фуқаро Бозоров Алишер Мирабдуллаевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 11,24 га шунда суғориладиган ер майдони 8,20 гектар 40 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 143-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида “Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотига эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш” деб белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, суғориладиган ер майдонидан ер ажратиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг хулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади” деб белгиланган тартиб ҳамда Ер кодексининг 44-моддасида “Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади” деб белгиланган талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси



тайёрланиши туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров томонидан ўрганилиб, туман халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 15/04-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасидан фермер хўжалиги томонидан сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, мазкур майдоннинг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 34-35-39-40-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда балиқ ҳовуз ташкил этилгани ҳамда текшириш кунда балиқ ҳовуз ташкил этилиб балиқ маҳсулотлари боқилаётгани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 8,20 гектар ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги 2.193.693.325 сўмни ташкил этгани; 5. туман ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги “Улуғнор” массиви ўрамидан “фуқаро Абдураимов Исроилжон Юлдашбоевич”га балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 39 йилга ижара ҳуқуқи билан жами 11,25 га шунда суғориладиган экин ер майдони 8,30 гектар 40 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдонидан танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги 144-қ сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли фармони билан тасдиқланган 2-иловага мувофиқ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 14-бандида “Балиқ ҳовузлари учун зарур сув таъминотига эга бўлган ва атрофидаги ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашишига олиб келмайдиган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан ажратишга эътибор қаратиш” деб белгиланган бўлса-да, мазкур талабга зид равишда, суғориладиган ер майдонидан ер ажратиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-банди “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Комиссияларининг хулосаси бўйича вақтинча берилган ерни қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ



хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади” деб белгиланган тартиб ҳамда Ер кодексининг 44-моддасида “Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим, бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади” деб белгиланган талабларга зид равишда қабул қилингани аниқлангани, қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров томонидан ўрганилиб, туман Халқ депутатлар кенгашига муҳокамага қўйилгани, натижада, қарорни қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги 15/04-06-сонли қарори ижро учун қабул қилингани, туман ҳокими қарорининг 6-бандида туман ҳокимининг қарорини тасдиғи вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясидан сўралгани, бироқ ўрганиш кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси олинмасидан фермер хўжалиги томонидан сунъий балиқ ҳовузи ташкил этилгани аниқлангани, мазкур ер майдонининг ҳолатини интернет тармоғидаги Google Earth Pro программасидан фойдаланган ҳолда мос равишда таҳлил этиб аввалги йилларда фойдаланиш ҳолати кўздан кечирилганида ушбу 34-39-40-контурдаги ер майдони 2017 йилда экин ери бўлиб, 2020 йилда балиқ ҳовуз ташкил этилгани ҳамда текшириш кунда балиқ ҳовузи ташкил этилгани маълум бўлгани, туман ҳокимининг қарорига асосан ижара ҳуқуқи асосида ҳовузлар ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан 8,30 гектар ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги 2.220.445.683 сўмни ташкил этгани, туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Умаров иштирок этган туман ҳокимининг қарор лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори 37-бандига асосан жами жами 5 та ҳолатда 29.90 гектар суғориладиган экин ер майдонларида балиқ ҳовуз ташкил этиб олгани аниқланиб, ушбу ер майдонига ишлаб чиқариш нобудгарчилиги ҳисобланганида 7.501.058.264 сўмни ташкил этгани ҳақида кўрсатув берган.



Судланувчи А.Умаровнинг айби юқоридагилардан ташқари, 2021 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассиси Ж.Эгамбердиев, Ш.Мамиров, Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастр агентлиги мутахассислари Р.Мелибоев, О.Жураев, Ш.Тоштемиров "Ўздаверлойиха" давлат илмий лойиҳалаш институти мутахассислари О.Эшмуродов, Ж.Бердиев, мутахассис Ш.Холдорювлар томонидан Избоскан тумани ўтказилган текшириш маълумотномаси, 2021 йил 16 августда Избоскан туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-банди, Ер Кодексининг 44,45-моддаларига асосан Избоскан туман ҳудудида қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган майдонларда ўзгаришларни ўрганиш юзасидан тузилган маълумотнома, суд мажлисида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Д.Хамдамов, Ф.Патидинов, А.Назаров, Б.Абдуллаев, И.Мамасидиков, И.Солиев, М.Бакиров, М.Нурматов, М.Холматов, Н.Юлдашев, В.Қодиров, У.Маматожиёв, Х.Маматов, Ш.Ахмедов ва Ў.Хожибековларнинг сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Суд, А.Умаровнинг туман ҳокимининг 2020 йил 14 июндаги "А.Тиллабоев массиви ўрамидан" фуқаро Адашалиев Нурилло Хусанбоевич"га Тегирмон ва обжувоз қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,04 гектар 76 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида"ги 267-қ сонли қарори ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари И.Солиев, комиссия котиби туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Маматов бошчилигидаги комиссия томонидан ўрганилгани, ушбу қарорда комиссия аъзоси сифатида қатнашмагани, қарордан хабардор бўлмагани; туман ҳокимининг 2021 йил 16 январдаги "Ш.Юлдузи массиви ўрамидан "тадбиркор Исмоилов Эргашбой"га маҳалла комплекси биноси ҳамда нон ишлаб чиқариш цехи биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан жами 0,20 гектар 68 балл бонитетли суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида"ги 12-қ сонли қарори ПФ-5742-сонли Фармонига зид қабул қилингани аниқлангани, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланиши туман ҳокимлигининг ер ажратиш комиссия раиси, туман хокими ўринбосари И.Солиев, туман ҳокимлиги канцелярия мудир А.Мамажонов, туман қурилиш бўлими ходими И.Якубжонов, туман "Ер ресурслари ва давлат кадастр" бўлими ходими Қ.Аматохуновлар томонидан ўрганилгани, ушбу қарордан хабардор бўлмагани ҳақидаги важларини, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда қайта текширилган далиллар, суд мажлисида сўроқ қилинган



гувоҳ О.Зариповнинг кўрсатувлари билан рад қилиб, унинг судда берган мазкур кўрсатувларини жавобгарликдан қутулиш мақсадида атайлабдан ўйлаб топган важлари деб ҳисоблаб, танқидий баҳолайди, судланувчининг юқоридаги кўрсатувларини жавобгарлик ва жазодан қутулиши учун келтирган важлари деб ҳисоблайди.

Суд терговда аниқланишича, Избоскан туман ҳокимининг 2019 йил 26 декабрдаги 3178-к-сонли қарори билан фуқаро А.Ботировга чеварлик фаолияти ва миллий ҳунармандчилик устахонасини қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан суғориладиган экин ер майдони танлаб, ажратиб бериш тўғрисида”ги қарор Республика Президентининг ПФ-5742-сонли Фармони талабларига зид қабул қилингани аниқлангани бўлса-да, юқоридаги қарорни қабул қилиниши ва лойиҳаси тайёрланишида судланувчи А.Умаровнинг иштироки аниқланмагани, ушбу ҳолат юзасидан Избоскан туман ҳокимининг ўринбосари И.Солиев ва бошқаларга оид қисми алоҳида ажратиб олингани ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани сабабли, А.Умаровнинг айбловидан юқоридаги эпизодни чиқариш лозим бўлади.

Судланувчи А.Умаров ҳокимият мансабдор шахси бўлгани ҳолда, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш, шунингдек, ер бериш тартибини такроран бузиб, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабабчи бўлганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 229⁴-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган деган тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, А.Умаровнинг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ер бериш тартибини



бузишдаги жиноий ҳаракатлари учун унга жазо тайинлашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи А.Умаровга жазо тури ва меъёрини белгилашда муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 37-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб муқаддам судланмаганлигини; қилмишидан пушаймондалигини; айбига иқрорлигини; 6 нафар фарзандлари борлигини; ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланганини, шахси ижобий тавсифланганини жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, А.Умаровни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида кўрсатилмаган ахлоқ тузатиш ишлари, ЖК 229⁴-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

ЖКнинг 45-моддасига асосан А.Умаровга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш яъни, давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш яъни, давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил Избоскан туман ҳокимининг қарорлари, 2021 йил 16 августдаги текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни жиноят ишида қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Умаров Абдуфатто Тожимаматович (Umarov Abdufatto Tojimatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг



“а” банди ва 229⁴-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Умаровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45, 57-моддалари қўлланиб 2 (икки) йил муддатга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш яъни, давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Умаровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 229⁴-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Умаровга ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 (икки) йил муддатга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш яъни, давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазолар турлича бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида ижро этилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Қўрғонтепа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Умаровга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашъвий далил деб эътироф этилган ҳоким қарорлари ва 2021 йил 16 августдаги текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жиноят ишида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Э.Назиров

